




O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MONOPOLIYAGA QARSHI KURASHISH QO'MITASI
ANTIMONOPOLY COMMITTEE
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

100128, Toshkent sh., Labzak ko'chasi, 3-uy, Tel.: (998 71) 207-47-00, Tel.: (998 71) 241-92-04
e-mail: info@antimon.gov.uz, e-xat: antimon@exat.uz, www.antimon.gov.uz



Ўзбекистон Республикаси
Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш давлат қўмитаси

Монополияга қарши курашиш қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Паррандачилик соҳасини рағбатлантириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш ва паррандачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни қўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳасини (ID-23622) Адлия вазирлигига 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида қўриб чиқиб, мазкур қарори лойиҳасининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича хulosasi ilovaga muvofiq юбормоқда.

Председатель



Шарипов Н. Ш.

Ўзбекистон Республикаси
Монополияга қарши қурашиш
қўмитасининг хатига илова

Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича ХУЛОСА

I. Умумий маълумотлар

Хулоса Адлия вазирлигига 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида тайёрланди.

1. Лойиҳани тақдим этувчи орган номи:

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси.

2. Лойиҳанинг номи ва тури:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Паррандачилик соҳасини рағбатлантириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш ва паррандачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси.

3. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун асос:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 2 октябрь куни Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида берилган топшириклари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессияси мажлис Баёнининг 45-бандига асосан.

4. Лойиҳанинг қисқача мазмуни:

“Паррандасаноат” уюшмаси негизида “Ўзпаррандасаноат” уюшмасини ташкил этиш.

II. Тадбиркорлик субъектларининг асосий гуруҳлари бошқа масъул шахслар ҳамда таклиф этилаётган хужжатда давлат органларининг манфаатларига доир масалалар тартибга солинадиган маълумотлар

5. Хужжат билан манфаатлари назарда тутилаётган гуруҳ иштирокчиларининг таснифи:

тадбиркорлик субъектлари гуруҳлари – паррандачилик корхоналар, наслчилик, балиқчилик, қуёнчилик ва асаларичилик хўжаликлар, “Ўззооветтаъминотхизмат” ДУК, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ;

давлат органлари гурухи – Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги, “Ўзстандарт” агентлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ва бошқа вазирлик, идоралар;

бошқа иштирокчилар гурухи муносабатлари – “Паррандасаноат” уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси.

6. Янги ёки амалдаги функцияларга киритилаётган ўзгартиришлар, ваколатлар, мажбуриятлар, имтиёзлар, преференциялар, давлат органлари ҳуқуқлари ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисида, шунингдек, киритилилаётган чекловлар бўйича ҳамда бошқа маълумотлар:

6.1. Қарор лойиҳасининг 1-бандида Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Монополияга қарши кураш давлат қўмитаси, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ ва “Паррандасаноат” уюшмаси кенгашининг “Паррандасаноат” уюшмаси негизида “Ўзпаррандасаноат” уюшмасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилмоқда.

6.2. Қарор лойиҳасининг 2-банди ўн тўртинчи хатбоҳисида “Ўзпаррандасаноат” уюшмасининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишларидан бири этиб имтиёз ва преференциялар бериш қўрсатилган.

6.3. Қарор лойиҳасининг:

10-бандида республикада паррандачилик соҳасини ривожлантириш ва келгусида соҳадаги интеграциялашув жараёнларини тезлаштириш мақсадида икки ой муддатда мавжуд ва янгидан ташкил этиладиган паррандачилик корхоналари “Ўзпаррандасаноат” уюшмасига аъзо бўлиши лозимлиги;

22-бандида “Ўзпаррандасаноат” уюшмаси республикада паррандачилик соҳасини ривожлантириш ва келгусида соҳада интеграциялашув жараёнларини тезлаштириш мақсадида икки ой муддатда мавжуд ва янгидан ташкил этиладиган паррандачилик корхоналари уюшмага аъзолигини таъминланиши белгиланмоқда.

6.4. Қарор лойиҳасининг:

12-бандида “Ўзпаррандасаноат” уюшма аъзолари ҳисобланган паррандачилик корхоналари томонидан:

йиллик тухум ишлаб чиқариш хажми 100 млн.донадан ошса, ҳар бир дона тухумга 50 сўм, 40-100 млн.донани ташкил этса, ҳар бир дона тухум учун 40 сўм, 20-40 млн.донани ташкил этса, ҳар бир дона тухум учун 30 сўм миқдорида субсидия ажратиш;

йиллик гўшт ишлаб чиқариш хажми 1500 тоннадан ошган қисмига 1000 сўм миқдорида субсидия ажратиш;

маҳаллийлаштириш дастури асосида давлат стандартидан ўтган парранда маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш босқичлари учун зарур бўладиган асбоб-ускуна, жиҳоз ва механизмларни ишлаб чиқариш қийматининг 25 фоиз миқдорида маҳаллий тадбиркорлик субъектларига субсидия ажратиш назарда тутилмоқда.

13-бандида 20 гектар лалми ер майдонини ўзлаштираётган “Паррандасаноат” уюшмаси таркибидаги паррандачилик корхонаси томонидан озуқа ем маҳсулотлари, яъни буғдой, маккажӯхори, соя ва кунгабоқар шротлари четдан импорт қилганида ёки Ўзбекистон товар хом ашё биржаси очиқ савдоларда харид қилганида озуқа ем маҳсулоти нархининг 20 фоиз миқдорида компенсация қилиш белгиланмоқда.

6.5. Қарор лойиҳасининг:

17-бандида уюшмага аъзо бўлган паррандачилик корхоналари фаолиятини пандемия шароитида қўллаб-куватлаш мақсадида ушбу фаолият билан боғлиқ кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар 2021 йил 1 апрелга қадар муддатга узайтиришга рухсат бериши;

23-банди бешинчи хатбоисида 2023 йил 1 январига қадар “Ўзпаррандасаноат” уюшмасига аъзо паррандачилик корхоналари фойда солиги ва мол-мулк солиги, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун айланма солиги тўлови тўлашдан озод этилиши;

26-банди учинчи хатбоисида 2020 йил 1 октябрдан бошлаб, 2025 йил 1 январига қадар “Ўззооветтаъминотхизмат” давлат унитар корхонаси, наслчилик субъектлари, паррандачилик, балиқчилик, қуёнчилик ва асаларичилик хўжаликлари, омухта ем, озуқа қўшимчалари, ветеринария вакциналари ва препаратлари ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектлари белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича наслчилик материаллари, технологик ва ёрдамчи ускуналар, омухта ем ва озуқа қўшимчаларини ишлаб чиқариш учун

компонентлар олиб киришда божхона тўловларини (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилиниши белгиланмоқда.

6.6. Қарор лойиҳасининг 21-бандида Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ва “Ўзпаррандасаноат” уюшмаси билан биргаликда аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-куватлаш мақсадида 2021 йилнинг 1 июлидан бошлаб республикага олиб кириладиган паррандачилик маҳсулотлари учун импорт жараёнларида “НАССР”, “ISO” ва “Halal” халқаро стандартлари талабларини жорий этилишини назорат қилиш белгиланган.

6.7. Қарор лойиҳасининг 25-банди биринчи қисмида “Ўзсаноатқурилишбанк” акциядорлик тижорат банки ва “Ўзпаррандасаноат” уюшмасининг давлат-хусусий шерикчилик асосида тадбиркорлик субъектлари билан биргаликда хорижий давлатлардан донли озуқалар ва озуқа қўшимчаларини импорт қилувчи корхона ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқулланиши кўрсатилган.

III. Рақобатга таъсирнинг таҳлили

7. Ҳужжатни қабул қилинишининг оқибатлари прогнози

7.1. Монополияга қарши курашиш қўмитаси томонидан “Паррандасаноат” уюшмаси негизида “Ўзпаррандасаноат” уюшмасини ташкил этиш бўйича таклиф берилмаганлиги сабабли қарор лойиҳасининг **1-бандидан “Монополияга қарши кураш давлат қўмитаси” сўзларини чиқариб ташлаш зарур.**

7.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги ПФ–5519-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Регламентига қўра, солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар бериш, шунингдек ташқи иқтисодий фаолиятнинг божхона-тариfinи тартибга солиш масалалари энг муҳим соҳалар ва масалалар рўйхатига киритилган бўлиб, уларни бериш бўйича қарорлари Ўзбекисон Республикаси Президенти томонидан қабул қилиниши белгиланган.

Шунга асосан, қарор лойиҳасининг **2-банди ўн тўртинчи хатбошисидан “имтиёз ва преференциялар бериш” сўзлари чиқариб ташлаш лозим.**

7.3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 77-моддасида тижорат ташкилотлари ўзларининг тадбиркорлик фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек муштарак мулкий манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида нотижорат ташкилотлар хисобланувчи уюшмалар

(иттифоқлар) ва ўзга бирлашмаларига бирлашишлари мумкинлиги қўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Конунининг 2-моддасида нодавлат нотижорат ташкилоти – жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир.

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Конунининг 34-моддасига асосан Давлат органларига, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва бошқа ташкилотларга, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларига битимлар тузиш ҳамда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бошқарув органлари ваколатига тааллуқли бўлган бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш, тадбиркорлик фаолияти субъектларига қўрсатмалар ва бошқа фармойишлар бериш тақиқланади.

Ўз навбатида, қарор лойиҳасининг 10 ва 22-бандлари юқорида қайд этилган конунлар талабларига зид равища баён этилган.

Шунга асосан, қарор лойиҳасининг **10 ва 22-бандларини чиқариб ташлаш лозим.**

7.4. “Ўзпаррандасаноат” уюшмасига аъзо бўлган паррандачилик хўжаликларида яратиб берилаётган қулайликлар ва преференциялар уларнинг мазкур уюшмага аъзо бўлмаган паррандачилик билан шуғулланувчи хўжаликларга нисбатан афзал ҳолатга эга бўлишига ҳамда бундай қулайликлар ва преференцияларга эга бўлиш учун ушбу уюшмага мажбурий тартибда аъзо бўлиш ҳолатига олиб келади.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чорвачилик тармоғини давлат томонидан кўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сон қарори билан бир қатор хўжалик тармоқларга (чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик) шу жумладан, “Паррандасаноат” уюшмаси таркибидаги паррандачилик корхоналарига субсидиялар ва преференциялар берилган.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Конунининг 12-моддасига асосан давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айrim хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият қўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни асоссиз равища бериши, айrim хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун

бошқа камситувчи ёки имтиёзли шартлар (шароитлар) белгилари тақиқланган.

Шу муносбат билан, қарор лойиҳасининг **12 ва 13-бандларини чиқариб ташлаш зарур**.

7.5. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 майдаги “Имтиёзлар ва преференциялар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3756-сон қарорида солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари билан:

умуман тармоқлар, фаолият соҳалари, худудлар учун берилиши, шунингдек, аниқ мақсадга эга бўлиши ҳамда аниқ ижтимоий, иқтисодий ва молиявий натижаларга эришишни таъминлаши зарурлиги;

вақтингчалик имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари билан 3 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилиши;

индивидуал имтиёзлар, алоҳида ҳолларда, хусусий сектор инвестиция киритишдан манфаатдор бўлмаган тармоқларда ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш учун, аниқ ижтимоий ёки иқтисодий асослар мавжуд бўлганда ёхуд Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари билан берилиши белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар Концепцияси”да хусусий сектор самарали фаолият кўрсатаётган соҳаларда давлат иштирокидаги тижорат ташкилотларини тузишга чеклов чораларини белгилаш ва амалдаги корхоналарни қайта ташкил этиш, шунингдек, соғлом рақобат муҳитининг ривожланишини чеклаётган алоҳида ҳўжалик юритувчи субъектларга эксклюзив ҳуқуклар, индивидуал имтиёзлар ҳамда преференциялар бериш амалиётидан воз кечиш кўрсатилган.

Шунга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Raқобat тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддаси талабларидан келиб чиқиб, қарор лойиҳасидан **17-бандини, 23-банди бешинчи хатбошисини ва 26-банди учинчи хатбошисидаги “Ўззооветтаъминотхизмат” давлат унитар корхонаси,” сўзларини чиқариб ташлаш лозим ҳисобланади.**

Шу билан бирга, қарор лойиҳасининг 17 ва 19-бандлари бир хил бўлганлиги боис, мазкур қарор лойиҳасидан **19-бандини ҳам чиқариб ташлаш зарур**.

7.6. Ўзбекистон Республикаси “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддасига мувофиқ тадбиркорлик

фаолияти субъектлари қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш ҳамда ўз фаолияти йўналишларини, товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчиларни ва ўз товарларининг (ишларининг, хизматларининг) истеъмолчиларини мустақил равишида танлашга ҳақли.

Ушбу Қонуннинг 34-моддасига асосан давлат органлари, бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг амалга ошираётган фаолиятига аралашишга ҳақли эмас.

Давлат органларига, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва бошқа ташкилотларга, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларига битимлар тузиш ҳамда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бошқарув органлари ваколатига тааллуқли бўлган бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш, тадбиркорлик фаолияти субъектларига кўрсатмалар ва бошқа фармойишлар бериш тақиқланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда республикага олиб кириладиган паррандачилик маҳсулотлари учун импорт жараёнларида “НАССР”, “ISO” ва “Halal” халкаро стандартларини ортиқча талаб қилиниши ва импорт қилувчиларнинг харажатларини ошишига олиб келиши ҳамда натижасида маҳсулотнинг нархига бевосита таъсир қилиши сабабли қарор лойиҳасининг **21-бандини чиқарib ташлаш лозим.**

7.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сонли “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонининг талабларига кўра, 2020 йил 1 октябрдан бошлаб битта товар бозорида бешта ва ундан ортиқ хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритиб келаётган соҳаларда давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг, шунингдек уларнинг аффилланган шахсларининг хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларининг таъсис этилишига (ташкил этишга ташаббус кўрсатишига) йўл қўйилмайди.

Шунга асосан, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ ва “Ўзпаррандасаноат” уюшмасининг давлат-хусусий шерикчилик асосида тадбиркорлик субъектлари билан биргалиқда хорижий давлатлардан донли озуқалар ва озуқа қўшимчаларини импорт қилувчи корхонани ташкил этиш **мақсадга мувофиқ эмас.**

Шу муносабат билан, қарор лойиҳасининг **25-бандини чиқарib ташлаш лозим ҳисобланади.**

IV. ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб, паррандачилик тармоғида барча хўжалик субъектларга тенг шароитлар яратиш ва рақобатнинг чекланиши олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Паррандачилик соҳасини рағбатлантириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш ва паррандачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳасини тақдим этилган таҳрирда қабул қилиниши мақсадга мувофиқ эмас ҳамда юқоридаги таклифлар ва эътиrozларни инобатга олган ҳолда уни қайта ишлаб чиқиш лозим ҳисобланади.